

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

А.Н.ХОЖИМАТОВ

ЭКОЛОГИК МОНИТОРИНГ

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
олий ўқув юргизаро илмий-услубий бирланималар
фаолиятини мувофиқлантирувчи кенгаги томонидан
олий ўқув юргизарининг иқтисодий таълим йўналишлари
талабалари учун ўқув қўлланма
сифатида тавсия этилган

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.

**THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

TASHKENT STATE ECONOMIC UNIVERSITY

A.N.KHOJIMATOV

ECOLOGIC MONITORING

This manual is recommended by the group of “regulating the activities of scientific organizations of higher education” of the Ministry of higher and secondary special education, for the students of higher education establishments majoring in economy

©Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.

Хожиматов А.Н. Экологик мониторинг - (Ўқув қўлланма). -Т.: ТДИУ, 2004, -96 б.

Ушбу қўлланма «Экологик мониторинг» фанидан юзага келган ва шакллатирилган йўналишларнинг асосий мазмунини очиб беришга қаратилган. Унда экологик мониторингнинг илмий-назарий асослари, мониторинг турлари, экологик мониторингнинг халқаро жиҳатлари, Ўзбекистон Республикасининг экологик мониторинг тузилмаси ва уни турли экотизимларда амалга ошириш кабилар атрофлича ёритилган.

Кўлланма иқтисодчи-эколог бакалаврларга мўлжалланган. Ундан соҳага алоқадор бошқа ихтисосликдаги талабалар, мутахассис экологлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррирлар: и.ф.д., проф.
Ш.Р.Холмўминов;
и.ф.н., проф. Қ.Н.Абиркулов
Тақризчилар: б.ф.н., профессор
А.С.Тўхтасв;
и.ф.н., доцент Т.Жумасев

Khojimatov A.N., "Ecologic monitoring" (manual) – T.: TSEU, 2004, – 96 pages.

The manual is about the main trends of “Ecologic monitoring” course. It also covers scientific-theoretical basis of the course, monitoring types, international sides of ecologic monitoring, ecologic monitoring systems in Uzbekistan as well as the processes in different eco-systems are explained.

This manual is designed for the bachelor of Higher Educational Establishments majoring in the field of ecologic-economy and for specialist ecologists.

Responsible editor: doctor of economic science,
prof. Holmuminov Sh.R.;
doctor of economic science,
prof. Abirqulov O.N.

References: doctor of economic science,
prof. Abylqasov Q.N.;
professor Tuhtaev A.S.;
candidate of economic science,
senior lecturer Jumaev T.

КИРИШ

Хозирда инсоният олдида турган қатор оламшумул мұаммалар тарзида экологик мұаммо ҳам іюкори күтариғаны сир әмас. «Табиат-жамият-хұжалик» тизимиңдаги барқарорлыққа иутур стиши атроф-мухит табиий ҳолатида сезнеларлы иохуш үзгаришларни көлтириб чиқармоқда. Экологик мұаммалар оқибатын, уларнинг асоратларин инсон ҳаёстига, мамлакаттарнинг ижтимоий-иктисодији тараққиетига борған сари таҳтика солмоқда. Чунки инсон табиатнинг ривожланиш қонуниятларинн чукур, илмий тарзда әгаламай, унга ўз билганича таъсир этиб, унинг бойлеклари «бөхисоблигы»га ишонди, ундан ўзини күчли хис этди.

Экологиянинг оддий қүйидаги:

- «дүнсідеги ҳамма нарса бир-бири билан боғлиқ»;
- «хес нарса изсиз йүқолмайды»;
- «табиятнинг ўзи энг олий билимдон»;
- «хес нарса бекорға инъом этилмайды» каби қонуяларини билса ҳам, билмасликка олди. Энди унинг азиятларини ческемокда. Бирок, ҳәлі ҳам кеч әмас. Мавжуд мұаммаларни бартараф этишиннег ягона йұлы биосфера бойлекларидан оқылона фойдаланыш ҳамда экологик хавфесізликтерни бартараф этиш чораларини излаштыр. Бунинг учун атроф-мухит экологик ҳолатини махсус кузатыш, назорат қылыш, баҳолаш ва башоратлаш, яъни экологик мониторингни жорий этиштір.

Рус академиги И.П.Герасимов таъбири билан айттанды, «Мониторинг – замонанинг мұхым ижтимоий буюртмасидір» (1975).

«Экологик мониторинг» нисбатан анча ёш йұналиш бўлиб, фаннинг ўқытилиши, айниқса, иктиносидчи-экологлар тайёрлашдаги аҳамияти катта.

Шуни инобатта олиб, бу бораңа күлланма яратынға киришилди. Бирок мазкур фан бўйича муқобил дарслеклар бўлмаганлиги учун бу иш анча оғир кечди. Күлланма «иктиносид» таълим йұналишининг иктиносидчи-эколог бакалаврлари ўкув дастури асоенида яратылған бўлиб, ҳар бир боб охирида назорат ва мұхокама учун саволлар берилған, улар мавзузарнинг талабалар томонидан мустаҳкамланишига ёрдам беради. Албатта, ўкув күлланма бирламчи тарзда нашр іюзини күраёттани бойс унда камчиликлар бўлиши табиий. Бизга юборилған ҳар қандай таклиф ва мулоҳазалар албатта, кейинги нашрларда инобатта олинади.

Күлланмани яратында ёрдам берган хурматли устозимиз, М.Улугбек номидаги ҮзМУ профессори, г.ф.д. мархум А.А.Рағиков ва унинг нашрдан чиқишини таъминлаган ТДИУ «Иктиносидиёт ва статистика» факультети декани, профессор, и.ф.д. Ш.Холмүминовга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

1 боб

«ЭКОЛОГИК МОНИТОРИНГ» ФАНИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. «Экологик мониторинг» фанининг тадқиқот обьекти, мақсади ва вазифалари

Атроф-муҳит мониторинги тоғаси ва «мониторинг» атамаси 1971 йилда БМТнинг атроф-муҳит бўйича Стокгольм анжуманини 1972 йил 5-16 июнда ўтказишга тайёргарлик билан боғлиқ тарзда вужудга келган. Бундай тизимни яратиш тўғрисида бирламчи таклифлар СКОПЕ – Атроф-муҳит муаммолари бўйича илмий қўмитанинг маҳсус комиссияси томонидан илгари сурнглан.

Стокгольм анжуманининг асосий масалаларидан бири «Ер сайдерасини назорат қилиш» дастури муҳокамасидан иборат эди. Шунингдек, анжуманда яна БМТнинг ҳозирги даврда атроф-муҳит муаммолари бўйича дастури (ЮНЕП)нинг бир қисми бўлмиши «Ер хизмати тизимлари» сифатида атроф-муҳит мониторингининг глобал тизими (ГСМОС-GEMS) ҳам таклиф этилди.

Мониторинг' (лотинча “monitor” – огоҳлантироқ) кузатиш, назорат қилиш маъносини билдиради. 1973 йили канадалик профессор Р.Мэнн биринчи бўлиб мониторинг концепциясини баён қиласи ва у 1974 йилнинг февралида Наїробида (Кения) бўлиб ўтган мониторинг бўйича биринчи Хукуматлараро анжуманда муҳокама қиласиди.

Р.Мэнн аввалдан тайёрланган дастур бўйича маълум мақсадда вақт ва маконда атроф-муҳит элементларининг бир ва бир қанчаси устидан узлуксиз кузатишлар тизимини «мониторинг» деб аташни таклиф этади. Р.Мэнн инсон табиии муҳитдаги ифлосланишларни кузатиш – мониторинг концепциясини амалда аниқ ифода этган бўлсада, айрим анжуман қатнашчилари «мониторинг» атамасини жуда кенг талқин қилиб юбордилар. Натижада «иқтисодий мониторинг» «илмий мониторинг», «озодлик мониторинг» кабилярни яратиш борасида таклифлар бўлди.

Наїроби анжуманида россиялик олим Ю.Израэль ўз кузатишларининг глобал тизимлари ва мониторингининг илмий асослари концепцияси билан қатнашди. «Мониторинг» атамаси қанча янги бўлмасин, мониторинг элементлари биосферарадаги техноген ўзгаришларни аслича кузатиш «стихияли» тарзда Собиқ Иттифоқда, хусусан, Ўзбекистонда ҳам аввалдан мавжуд эди. Улар гидрометеорология хизмати, гидрогеологик, агро ва ўрмон

хўжалик, санитар-эпидемиологик ва бошқа хизматлар таркибида фаолият кўрсатган.

«Мониторинг» тушунчасини аниқлаш, унинг назарий асосларини яратиш Собиқ Йиттифоқда ва дунё бўйича Ю.Израэль номи билан боғлиқ. Унинг таърифича: «мониторинг атроф-муҳит ҳолатидаги антропоген ўзгаришларни кузатиш, баҳолаш ва башоратлашнинг глобал тизимиши». Бу таърифни И.П Герасимов ҳам кўллайди. Мониторинг бояси ЮНЕП, ВМО(Всемирная метеорологическая организация) ва ЮНЕСКО йўналиши бўйича Рига (1978), Тбилиси (1981) ва Тошкентда (1985) ўтказиган Халқаро анжуманларда ҳар томонлама муҳокама килинди ва бойитилди. Эндиликда «мониторинг» атамаси кенг миқёсда кўпланилади. Ҳозир «мониторинг» дейилгандан атроф-муҳит ҳолатини кузатиш, назорат қилиш, баҳолаш, бошқариш ва башоратлаш тушунилади.

«Экологик мониторинг» дейилгада эса, биосфера ҳолати ва унинг турли босқичларидаги (маҳаллий, минтақавий, глобал) экотизимлар, экологик минтақалар, бутун материк, умуман, биосферанинг антропоген таъсирга бўлган реакциясини мунтазам кузатиши қабул килинган. Р.Мэнн, Ю.Израэль, И.Герасимовлар мониторингнинг илмий асосчилари бўлсада, унинг ривожланишига М.Будико ва К.Яковлевлар ҳам муносиб хисса қўшганлар.

«Экологик мониторинг» фанининг тадқиқот обьекти тирик организмлар: ўсимлик, ҳайвонот олами; инсон ва унинг ҳаётни кечадиган муҳит; сув, атмосфера ҳавоси, тупроқ, кенг маънода эса худуд(экотизим)лар ва бутун ҳаёт қобиғи биосфера-даги экологик жараёнлардир.

Экологик мониторинг бу борада асосий эътиборни инсон саломатлиги ва ҳаётини асраршга, сўнг қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва умуман, тирик организмлар ҳамда атроф-муҳит (экотизим, ландшафт, биогеоценоз)ни асраршга қаратади. Хуллас, улар экологик мониторингда бир бутун, яхлит ҳосила, ягона тизим сифатида қаралади.

«Экологик мониторинг» фанининг мақсади экологик ҳавфисзликни бошқариш тизимларини ўз вақтида ишончли ахборотлар билан таъминлаштириш. Шу билан бирга турли табиий ва антропоген экотизимларининг ўзгаришини кузатиш, назорат қилиш, баҳолаш ва улар натижасида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқининг назарий асослари, ёндашувлари, усувлари ҳамда илмий услубиятини яратиш ҳам унинг мақсадига киради. Умуман, мақсаднинг асосини инсон билан табиат ўртасидаги муносабатларни оптимальлаштириш, инсон хўжалик фаолиятларини тўғри йўналтиришга эришиштириш.

Мақсаддан келиб чиқадиган асосий вазифалар эса, мунтазам кузатиш ва назорат қилишин қандай амалга ошириши мумкунлiği, нималар (объект, жараён ва ҳодисалар)ни назорат қилиш зарурлiği (бу борада устувор йўналишлар), кузатиш тузилмаси, ахборотлар тизимидан тегишини хуносалар чиқариш ва мантицийи фикрга келишдан иборат. Буният учун «Экологик мониторинг» фаниндағы вазифаларни ечишини ҳам ўз олдига мақсад қилиб кўяди:

- антропоген таъсири манбаларини кузатиш;
- антропоген таъсири омилларини кузатиш;
- антропоген омиллар таъсирида табиий мухит ҳолатида ва унда рўй берастган жараёnlарни кузатиш;
- табиий мухитнинг ҳақиқий ҳолатини баҳолаш;
- антропоген омиллар таъсирида табиий мухитдаги тадрижий ўзгаришларни башоратлаш ва табиий ҳолатнинг башоратларини баҳолаш;

Ушбу вазифаларни ечиш учун қўйидаги ахборотлар тизими лозим:

- атроф-мухитга чиқариладиган ифлословчи моддалар манбалари;
- газ ҳолидаги иссиқлик чиқиндишларнинг антропоген манбалари тўғрисидаги маълумотлар (қуввати, жойлашган ўрни ва бошқалар).
- ифлословчи моддаларнинг қўчиб юриши (атмосферада, сув муҳитида);
- моддаларнинг қайта тақсимланишининг ландшафт-геокимёвий жараёnlари, ифлословчи моддалар миграцияси.

1.2. Биосферанинг тузилишин ва ривожланиши

Ер саийёрасининг тирик организмлар тарқалган энг муҳим қобиғи «биосфера» (грек. «bios»-хайт ва «sphira»-шар) деб аталади. В.И. Вернадский, биосфера дейилганда, Ерининг тирик организмлар таъсиридаги барча жараёnlар кечадиган юнқа қобиғини тушуздади. Биосфера Ерининг литосфера, гидросфера ва атмосфера қобиқлари туташган жойида таркиб топган бўлиб, унинг юкори чегараси атмосферадаги озон экранигача – ер юзасидан 16-20 км юкоридан ўтади. Кўйи чегараси океанларда 11 км, ернинг тош-литосфера қисмида эса 3-5 км чукурликка тўғри келади. Академик В.И. Вернадский биосферани жонли ва жонсиз табнат элементлари мужассамлашган катлам деб билади. Биосферада тирик моддалар ва уларнинг яшаш муҳитлари ўзаро алоқада ҳамда бир-бiri таъсирида бўлиб, яхлит ва динамик тизим хосил қила-

ди. Энг қадимда янил хлорафилли ўсимликларининг вужудга келиши атмосферанинг кимёвий таркиби бутунлаш ўзгаришига, атмосферада кислороддининг вужудга келишига сабаб бўлган. Бу ўз ўрнида Ердаги барча ҳаёт эволюциясининг кейингилирига турткни бўлди. Биосфера мавжудлигининг асосий шарти унда модда ва энергия алмашувининг мавжудлигидир.


Эволюция жараёнида тирик организмларниң сайёра бўйлаб кенг тарқалиши модда ва энергияни қайта таксимланишини таъминлайди. Ушбу жараён – геокимёвий тамойил В.И Вернадскийнинг қуидагича холосага келишига сабаб бўлди: «Хар бир организм бошқа тирик организмлар ва жонсиз табиат билан алоқада бўлган шарондагина яшаши мумкин, ҳаёт ўзининг барча борлиғи билан бизнинг сайёрамизда чукур ўзгаришларга сабаб бўлди». В.И Вернадскийнинг биосфера тўғрисидаги таълимоти юзасидан биринчи холосаси биосферанинг бир бутун (яхлит) лигидир: «... биосфера даги ҳаёт, тирик моддалар бир бутун хосиладир». В.И Вернадский биринчи бўлиб, биосферанинг ривожланишида инсон бош омил эканлиги, унинг фаолияти табиат эволюциясидан бир неча баробар тезликда ортиб бораётганлиги тўғрисидагиояга асос солди. Шу туфайли, хозирги шарондада биосфера тўғрисидаги таълимот муҳим амалий аҳамият касб этмоқда. Чунки инсоният ўзининг кун сайин ортиб бораётган техник имкониятларига таяниб, табиатдан керагидан ортиқча фойдаланмоқда. Кейинги даврда табиатининг ўз ресурсларини қайта тиклайши, қайта тозалами имкониятлари хисобга олишимаётганлиги бонис, биосферанинг яхшилиги ва баркарорлигига путур етмоқда.

Ерда инсоннинг пайдо бўлиши табиат ва тирик оранизмлар ўргасидаги муносабатда янги босқични вужудга келтириди. Табиат ва инсон ўргасидаги ўзаро муносабатлар характери «ноосфера» тушунчасини фанга киритди. Инсон омили биосфера тараққиётида геологик кучлардан кўра ҳам тез ва кучли намоси бўлмоқда. Биосферанинг хозирги тараққиёти бевосита инсон ақл-заковати билан ҳамоҳанг тарзда бўлгани учун ҳам биосферани «ноосфера» атамаси билан алмаштиришояси вужудга келди. Ушбу таълимотояси асосчилари, аввало Ле-Руа, Тейяр де Шарден ҳамда В.И.Вернадский номлари билан боғлиқ.

Биосфера мураккаб ва ўта нозик тузилишга эга. Ундаги организмлар ўзаро ва жонсиз табиат билан шунчалар кўп «иллар» оркали боғланганлиқ, қайси бир алоқанинг узилиши-бузилиши ёки аксинча, уларнинг сунъий тарзда зўрайтирилиши – биосфера учун таҳликаға (хатарга) сабаб бўлиши мукаррар. Бунинг учун бутун биосфера бўйича ва унинг бўлаклари бўл-

миш экологик тизимлар (экотизим)да экологик мониторинг тадқиқотлари ўтказилиши муҳим масаладир.

Экотизим – маълум майдондан иборат бўлиб, унда тирик организмлар ва уларнинг яшаш мухитлари мажмуси моддий-энергетик ва ахборотларнинг ўзаро таъсири билан бирлашган.



1-чизма. Табиий экотизимларда модда (тутаи чизик) ва энергия (штрих чизик)нинг кўчиб юриши

Экотизим бирор катталиқдаги ёки ўлчамдаги ҳудуд билан чегараланмайди. Шунинг учун уни организмларнинг хоҳлаган ва мураккаб яшаш мухитига нисбатан қўллаш мумкин.

Экотизимда тирик организмлар ўртасида ўзаро таъсири мавжуд. Кучли ҳайвон тури ўзидан кучсиз ҳайвон тури билан озиқланади. Хуллас, шу тариқа озиқ-овқат занжири вужудга келади. Бу ҳодиса экотизимнинг ўз вақтида ўзидан-ӯзи – табиий йўл билан тозаланиб туришига олиб келади. Шунингдек, экотизимда ўсимликлар ва ҳайвонот турларининг бир шароитда миқдорий жиҳатдан тенг бўлиши экологик мувозанатнинг барқарорлигини таъминлайди.

Экотизимда атмосфера ҳавоси, сув, тупрок, ўсимликлар, ҳайвонот олами, ишлаб чиқариш ва бошқа антропоген омиллар ҳамда ҳодисалар иштироқида мураккаб биокимёвий айлан-

ма ҳаракат мавжуд. Бу билан ҳавонинг тозалиги, тупроқ ҳосилдорлиги, ўснмликлар маҳсулдорлиги ва бошқа ҳодисаларнинг баркарор меъёрдаги фаолияти таъминланади.

Табиий ва суный (антропген) экотизимлар мавжуд бўлиб, улар бир қатор хусусиятлари билан фарқланади (1-жадвал).

I-жадвал

Табиий ва содда антропоген экотизимларни қиёслаш
(Миллер, 1993 й.)

Табиий экотизим (боткор, ўзлек, ўрмон)	Антропоген экотизим (дала, завод, уй)
Куёни энергиясини олади, кайта ҷамғантиради, йигади	Қасимла ва ядро энргиясини истеъмол қиласди
Углерод (II) оксидини истеъмол қиласди ва кислород ишлаб чиқаради	Ёкилги ёқини эвазига кислород истеъмол қиласди ва углерод (II) оксидини ишлаб чиқаради
Махсулдор тупроқни қисил қиласди	Махсулдор тупроқлар учун хатарни ва уларни орислантиради
Сувни йигади, тозалайди ва аста-секин сарфлайди	Күп сув сарфлайди ва ифлослайди
Еввойин табиатиниг турли турлари учун ишлани жойи	Еввойин табиатиниг кўплаб турлари яшани жойилярни бўлади
Ифлословчи модалалар ва чинандигарни зарарсанлантиради ва ишмади	Ахоли зарарсанлантиришин лозим бўлган ифлословчи модда ва чинандигарни ишлаб чиқаради
Ўз-ўзини сақчани ва тикшени хусусиятига эга	Доними тарзда ҳолатини сақчани ва тикшаш учун кайта ҳаражатлар таълаб этади

Экотизимларни ва бутун биосферани муҳофаза қилишида мавжуд тамойилларга таяниши муҳимдир. Улар қўйидагилар:

- гоместаз;
- химояланишнинг ўз вактидалиги;
- химояланишнинг маҳсуллиги;
- химояланишнинг маъкмуалиги ва мувофиқлиги (қулайлиги);
- химояланишнинг босқичлиги;
- химояланишнинг самараадорлиги;
- мониторинг;
- қўриқхона (миллий табиат боғлари, табиат буюртмалари ва бошқа).

Ушбу тамойиллар экотизимларни бошқаришнинг амалий стратегияларини ишлаб чиқуни ва мониторинг учун бироз умумийлик касб этади. Биосферани муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши ва амалиётдаги барча чалкашликлар ҳозирча бизни мониторингдан қутилишга даъват этолмайди.


1.3. Экологик мониторингнинг тадқиқот тамойиллари ва усууллари

Экологик мониторинг ўз тадқиқотларини, асосан, экотизимларда амалга оширади. Ушбу тадқиқотлар – кузатиш натижалари ва олинган ахборотлар тизими таҳлилига таянади (2-чизма).



2-чизма. Мониторинг чизмасы

Экологик мониторинг абиотик ва биотик мониторингларни қамраб олган ҳолда тадқиқотларда генетик, тизимли (системали), ландшафт, экологик ва иқтисодий тамойил ёндашувларга асосланди. Генетик ёндашув табиий мұхитни оптималлаштырышда экотизимларнинг вужудға келиши ва ривожланишида унинг генезисини назарда тутади. Қачонки, экотизимларнинг генезис характери ва ривожланишининг муайян тенденциялари старли даражада ҳисобға олинса, күлланиладиган тадбирлар самарадорлығи юқори бўлишига эришилди.



З-чизма. Атроф-мұхит холатини баҳолаш тизимида күзатыннинг ролі

Табиатнинг ўзига хос хусусиятидан бири унинг тизимли тузилишга эга эканлигидир. Табиатдаги барча экотизимлар сай-сраний яхлит экотизим –биосферани ҳосил қиласи. Экотизимларни ташкил этган таркибий қисмлар ва экотизимлар ўртасида ўзаро алоқа ҳамда боғлиқлик мавжуд. Улар ўртасидаги элементлардан бирортасининг ўзгариши унинг бошқа қисмлари ўзгаришига ёки бир экотизимдаги ўзгаришлар бошқа экотизимларнинг ўзгаришига таъсир этиши муқаррар. Шу туфайли ҳар бир экотизим(чўл, тоғ, тўқай ва б.) ўзига хос алоҳида тизим ҳисобланади. Ушбу тизимларнинг ҳар бири ўзидан юқори тизим таркибига киради.

Ландшафт жой тўғрисидаги барча маълумотларни ўзида аниқ ифода этади. Ландшафт ва унинг морфологик қисмлари (фаация, урочиша) тўғрисида ахборотлар экологик мониторинг учун деярли барча маълумотларни ифодалайди. Бошқача айтганда, ландшафт морфологик қисмлари ундаги экологик ахвол тўғрисидаги аниқ тасаввурларга эга бўлишга ёрдам беради.

Географик қобиқнинг генетик жиҳатдан бир бўлган табиий-худудий мажмуаларга табақалашуви, улардаги барча жараёнлар ўзаро боғлиқ ва бир-бири таъсирида ривожланишини билish ландшафт ёндашувларининг асосий мағзини тасикил этади.

Экологик мониторинг тадқиқотларидаги ёндашувларидан бири экологик ёндашувдир. У экотизимларнинг сифат ўзгаришлари, табиат мухофазаси муаммоларининг оптимал очими ва бошқаларни назарда тутади. Ёндашув табиий муҳитни ўзгаришида нафақат унинг ҳолатини яхшилаш, балки экотизимларнинг маҳсулдорлигини оширишга ҳам чоғланади. Атмосфера ва сув ҳавзаларига чиқарилётган турли зарарли чиқиндилар микдори ортиб бораётган, жойларда ҳалигача кучли пестицидлар қўлланишга чек қўйилмаган ҳозирги бир вақтда экологик ёндашувнинг аҳамияти борган сари ортмоқда. Умуман, бу ёндашув организмларнинг ўзаро ва атроф-муҳит билан алоқада эканлигидан келиб чиқади.

Иккисодий ёндашув, биринчидан, экологик мониторинг тадқиқотлар тизимининг ривожланишида яққол намоён бўлади. Атроф-муҳитни кузатиш, назорат қилиш, баҳолаш ва башоратлаш ишлари ўз-ўзидан бўлмайди. Бу кўплаб сарф-харажатлар билан боғликлigi аён. Иккинчидан, экологик мониторинг жараённида ижобий натижаларга эришилса, унинг иккисодий самарадорлиги ҳам юқори бўлади. Экологик мониторинг натижасида экотизимларнинг барқарорлигига эришилиши улар маҳсулдорлигини оширади. Экотизимлар маҳсулдорлигининг ошиши иккисодиёт учун муҳимлиги сир эмас.

Хуллас, экологик мониторинг тизимидағи юқоридаги ёндашувлар номаъқул экологик оқибатларни бартараф этишга ва натижада экологик-иктисодий барқарор ривожланишга күмаклашади. Экологик мониторинг жараёнларида ҳаво, ер усти сувларининг микдори ва сифати, иқлимдаги ўзгаришлар, тупроқ қопламининг хоссалари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ҳолати мұхимдир. Уларни билиш қатор тадқиқот усуллари орқали амалға оширишин тақозо этади. Тадқиқотларда күпроқ картографик, ландшафт-геокиме, кимёвий, биоиндикация, хроматография, аэрокосмик каби усуллардан фойдаланилади.

Картографик усул ичидә ландшафт карталарининг ахамияти катта. Ушбу карталар орқали нафақат экотизимларнинг тузилмаси тұғрисида, балки экотизимнинг морфологик қисмларини баҳолаш имкони туғилади. Шунингдес, ландшафт картаси ёрдамида экотизимдік тармоқларини оқылона жойлаштырыш ва улардан оқылона фойдаланишга әришилади.

Ландшафт-геокимёвий усул ёрдамида тупроқдаги шұрланияш жараённи, ер усти ва ер ости сувларининг гидрокимёвий таркиби үрганилади.

Баланс усулы экотизим ўзгаришларини башоратлашда көнгүлланилади. Ўсул ёрдамида табиий-антропоген экотизимларда тұз кирим-чиқымы аникланади. Тупроқлардаги ишқорланиш дарајасини камайтиришда кимёвий усулдан фойдаланилади. Бунда ишқорланиш, янын pH 5 дан кам бўлса (ўсимликлар учун pH-нинг энг қулагай месъёри 5-7), оҳакли тупроқ қўшилади, pH 7,5-8дан юқори бўлса ишқорланишни камайтирувчи кимёвий моддалар кўлланилади. Тупроқларнинг ифлосланғанлигини улар таркибидаги углеводлар миқдори билан аниқлаш мумкин, бунда хроматография усулидан фойдаланилади.

Сувларни ифлосланғанлигини таҳлил қилишда атом-эмиссия, рентген ва хроматография усуллари қўлланилади.

Табиий экотизимларнинг турли ифлосланишларга бардошлиги биоиндикация усулида аникланади. Биоиндикация тырик организмар ва улар жамоасининг антропоген таъсирига сезигрлиги орқали аникланышидир. Масалан, игна баргли дарахтлар радиактив ифлосланишга, бир қанча тупроқ фаунаси вакиллари эса саноат ифлосланишга сезигр бўлади.

Маълумки, экологик мониторингні амалға оширишда интеграл(яхлит) кўрсаткичларнинг, хусусан, йирик миқёсда ўртача месъёрга келтирилган тағсилотларнинг ахамияти мұхимдир. Бу борада масофадан туриб тадқиқот олиб бориши усули амалийлиги билан ажралиб туради. Бунда йирик миқёсда экологик ўзгаришлар тұғрисида маълумот йиғиншга имкон туғилади.

Хозирда оңтүстүк ва радиолакация күлланиб, атмосферанинг турли баландликларида CO , CO_2 , CH_4 , NO билан ифлосланиши аниланмоқда.

Космик воситалардан фойдаланиши усулү көйинги вакттарда кенг күлланила бошланди. Ернинг «Метеор», «Метеор-Табиат» (Россия), «Ландсайт» (АҚШ) сунъий йүлдош тизимлари асосида XX асрнинг 70- йилларидан бошлаб тадқылтлар олиб борылмоқда. «Мир» космик кемасидан хам турли ахборотлар олинди. Коннотдан экологик мониторингни ташкил қылышда ўрмонлар, қышлоқ хұжаяның срлари, үсімліклар олами, денгизлардаги фитопланктонлар, түпрок көплами, унинг инсон томонидан ўзғартырылышы, эрозия ходисаси, урбанизация минтақаларидаги ўзғарышлар, атмосферанинг ифлосланиши, куруқлик ва денгизларнинг ифлосланиши тұғрисида ахборотлар олинади. Коннотдан олинган суратлар оркалы сув омборлари, Орол денгизи қуриган қысманинг ҳолати, Айдарқұлнинг кенгайт бориши, йирик каналларнинг атроф-мухитта таъсири, құмларнинг вохаларга бостириб кириши ва башқа ҳодисаларни самарали күзатиш мүмкін.

1.4. Экологик мониторингдаги устувор жиҳатлар ва мезонлар

Экологик мониторингнин амалга оширишда устувор жиҳатлар алоқида ажамиятта эга. Худудий миқәседа қараганда устуворлық, албатта шаҳарларга, шүннингдек, ичимлик сувин олинадиган минтақалар, балиқлар тұхум қүйдиган жойларға қаратылған лозим. Табиий муҳит бүйічика эса атмосфера ҳавоси, чучук сув ҳавзаларыда устуворлықка эга. Алоқида ингредиентлар бүйічика – ҳаво үчүн: чанг, олтингуттурт (II) оксиди, оғир металлар (симоб), углерод оксиди, азот оксиди, бенз(а)пирен, пестицидлар; сув үчүн: биоген маҳсулотлар, нефть маҳсулотлари, феноллар; түпроқ үчүн: ишқорланиши, гумуснинг йүқолиши, шүрланиши, нефть маҳсулотлари; ифлосланиши манбалари бүйічика – шаҳарларда: автомобиль транспорти, исесиқлик электростанциялари, рангли металлургия кабилалар устувор ҳисебланади.

Экологик мониторинг мезонларини ишлаб чиқыш мұраккаб масала. Ифлосланырувчи моддаларнинг хусусияті ва оқибатларини эътиборға олган ҳолда уларни қуйидагича тавеинфлаш мүмкін: инсоннинг соғылғы ва ахволига, иқлим ва экотизимларға таъсирининг катталиги ёки самарадорлиги; атроф-мухитда бузилиш(деграция)га мойиллиги, одамда ва ҳазм бўлиш йўлларида түтланиши; физик ва биологик тизимларда кимёвий транс-

формация имкониятлари, бунинг натижасида иккиламчи моддалар янада заҳарлироқ ва зарарли бўлиб қолиши мумкин; тез ҳаракатчанлик ва ўзгарувчанлик; атроф-мухитда ва одамда тўпланиш йўналиши; таъсирнинг катталиги ва тез-тез қайталаниши; ҳар хил муҳитда маълум катталиқда ўтчаш имкониятлари; атроф-мухитда ахволни баҳолаш учун ахамияти; дунё миқёсида ва худудий шароитда тарқалиши бир текисда ўтчаш учун яроқлилиги. Ушбу мезонлар асосида ифлослантирувчи моддаларнинг устуворлиги бўйича баҳоланади, унинг ўтчаш дастури ҳам кўрсатилади (2-жадвал).

2-жадвал
Ифлослантирувчи моддаларнинг устуворлиги бўйича
таснифлаш

Устуворлик сипти	Ифлослантирувчи модда	Мухит	Ўтчани дастури турни
I	Олтингутурт оксиди унга қўшилган музлак заррачалар Радионуклидлар	Ҳаво Оник-овқат	МХД МХ
II	Озон ДТГ ва бошқа хлороорганик бирикмалар	Ҳаво Овқат ва одам, сув	МД М
III	Нитратлар ва нитритлар Азот оксидлари	Ичимлик суви ва овқат Ҳаво	М М
IV	Симоб ва унинг бирикмалари Кўргонин Углерод (II) оксиди	Овқат, сув Ҳаво, овқат Ҳаво	МХ М Д
V	Углерод оксиди Нефть махсуслари	Ҳаво Денгиз суви	М ХД
VI	Флюоридлар	Тоза сув	М
VII	Лебет Минияк (маргимум)	Ҳаво Ичимлик суви	М М
VIII	Микротоксениллар Микробиологик юкишлар Реактив углеводлар	Овқат Овқат Ҳаво	МХ МХ М

Д-дунё миқёсида, Ҳ-худудий, М-маҳаллий.

Nizomiy nomi:

Т Д Р У

Kafabxonasi

17

924408

Қисқача холосалар

Экологик мониторинг биосфера ҳолати ва унинг турли босқичлари ҳамда унинг антропоген таъсирга бўлган реакциясини мунтазам кузатишдир.

Экологик мониторингниң тадқиқот обьекти тирик орғанизмлар ва улар ҳайти кечадиган муҳитлар, яъни бутун биосферадаги экологик жараёнлардир.

Экологик мониторингниң бош мақсади – экологик хавфсизликни бошқаришининг ишончли ахборотлар билан таъминлаш.

Фаннинг асосий вазифаси атроф-муҳит ҳолатини мунтазам кузатиш ва назорат қилиш асосида тегишили холосалар чиқариш.

Биосфера мураккаб тузилишга эга бўлиб, унда жонли ва жонсиз табиат ўзаро алоқа ва таъсирда ривожланади. Унинг кичик бўлаклари экологик тизимлардир.

Экологик мониторинг ўз тадқиқотларида қатор усул ва тамойилларга таянади.

Экологик мониторингда устувор жиҳатлар ва экологик мониторинг мезонлари муҳим ҳисобланади.

Назорат ва мухокама учун саволлар

1. «Экологик мониторинг» дейилгандан нимани тушунасиз?
2. «Экологик мониторинг» фанининг тадқиқот обьекти нима бўлиши мумкин?
3. «Экологик мониторинг» фани қандай мақсад ва вазифаларни счиши лозим?
4. Биосфера ва экотизимлар тўғрисида нималар биласиз?
5. Экологик мониторинг тадқиқотлари қандай тамойил ва усуllарга таянади?
6. Экологик мониторингнинг устуворлик жиҳатлари ва мезонларини айтиб берса оласизми?


Асосий адабиётлар

1. Израэль Ю.А. Экология и контроль состояния природной среды. -М.: Наука, 1985.
2. Коробкин В.И., Передельский Л.В. Экология. - Ростов на Дону.: Феникс, 2003.
3. Никаноров А.И., Хоружая Т.А. Экология. -М.: Наука, 1989.
4. Түхтаев А.С. Экология. -Т.: Үқитувчи, 1998.
5. «Рациональное природопользование и контроль состояния окружающей среды» - Человек и природа. -М.: Знание, 1982.

«ТАБИАТ-ЖАМИЯТ-ИНСОН» ТИЗИМИДАГИ ЎЗАРО ЗИДДИЯТЛАРНИНГ МОНИТОРИНИГ АСОСЛАРИ

2.1. Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро мунасабатлар кескинлапшуви ва унинг оқибатлари

Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро мунасабатлар негизи чуқур ҳамда мураккаб жарапён бўлиб, у замон ва маконда тез ўзгарувчан хусусиятга эга (4-чизма).



4-чизма. «Жамият-атроф-муҳит» тизимидағи асосий омилиларниң ўзаро таъсири (В.Ф. Протасов, А.В. Молчанов бўйича, 1995й.)

Инсон табиатта қанча күчли таъсир этса, унинг бойлекла-ридан кўп фойдалана борган сарн табиатининг ҳам шунга яраша инсонга келтирадиган «ташвиши» орта боради. Бинобарин, ин-сон табиат бойликларидан тежамкорона фойдаланиши, улар-ниң ўринин тўлдириб, аераб-авайлаш тарафдудида бўлиши ло-зим. Шундагина табиат инсондан ўз мурувватини аямайди. Акс холда ўртадаги иносабат ишқала томонга ҳам ким-матга тушиши мумкин. Инсон ҳам табиат маҳсулни, унинг бир бўлаги, табиатга етказилган ҳар қандай заҳмат-асорат инсон ҳаёт фаолиятида намоён бўлмай қолмайди.

Ер юзасида бир неча миллион йиллар муқаддам пайдо бўлган илк одам, асосан мавжуд мева-чеваларни териб кун ке-чираги. У қарийб 500 гектар озук ҳудудига эга бўлиб, кунига 25-30 чакирим йўл босган. Ўша даврда Ер юзасида 2 млн.дан камроқ одам яшаган. Бундан тахминан миллион йил аввал қадимги одам оловдан фойдаланиб, қўшимча энергия ихтиро қилиган. Бу уни мўтадалик иёлим ўлкаларига кўчиб ўтишига ва овчилик билан ўтуғулланишига имкон яратган.

Биринчи дехқончилик цивилизациялари табиий намгарчи-лик етишмайдиган минтақаларда (Дажла ва Фрот дарслари ҳавзаларида) пайдо бўлган ва у сурориши тизимларини ташкил этишига олиб келиган. Кейинчалик дехқончилик ўрмон-дашт ва ўрмон минтақаларига сурилиб, кўплаб ўрмонларниң кесилишига сабаб бўлди.

Саноат ишлаб чиқарнишининг пайдо бўлиши ва ривожла-ниши ҳамда фан-техника тараққиётининг жадаллашуви таби-атга инсон таъсирининг янги даврини бошлаб берди. Бунинг натижасида янги ерларни ўзлашибтириш, дарсларниң сувларидан сурориши учун кенг фойдаланиш, катта ҳажмдаги хомашёларни иктисадийтга — ишлаб чиқаришга киритиш, кўплаб транспорт воситаларини ишлаб чиқариш боискинча қадам қўйилди. Бу-нинг устига Ер шари ахолиси сони ўсишида катор йиллар «демографик портлаш» содир бўлди. Кейинги юз йиллик мобайни-да инсон эҳтиёжлари ҳам юз мартаға ортди. Ҳозирда саёрамиз ахолиси жон бошига йиллига тахминан 20 т. маҳсулот (хомашё) ишлаб чиқарилаштгани холда шунинг қарийб 90% и чи-қиндиға чиқарилмоқда. Антропоген чиқиндилар миқдори йил сайни ортмоқда. Инсон хўжалик фаолияти куруғлини юзаси-ниң 1/3 килемини (60 млн. км^2) қамраган бўлсада, у куруғлик-ниң 9 млн. km^2 дан ортиқ килемини чўлга айлантириди. Ҳозирда бундай «янги чўллар» майдони ҳар дақиқада 20 гектарга кенга-яётгани маъдум.

XX аср охирига келиб дунё бўйича йиллига 100 млрд. т

турли руда, ёқилғи ва курилниш материаллари қазиб олинди. Буннинг эвазига табиий мұхиттегі инсон хұжалик фаолияти туфайлы 20 млн. т карбонат ангидрит, 146 млн.т сульфат ангидрит, 53 млн. т азот оксиди ва башка кимәсий бирикмалар чиқарылады. Бұнга күшімчама маҳсулот сифатида корхоналарнинг 32 млрд. м³ ифлосланған сұб ва 250 млн.т чанги ҳам күшиләди.

Атроф-мұхиттің саноат, қышлоқ хұжалик, машиний тармоқтар ва транспорт чиқындылари билан ифлосланиши турли миқәсдеги экологик мұаммоларнинг таркиб тоғишига олиб келди ва айрим худудларда инсониятни экологик халокат ёқасига келтиради.

Вүждуга келгандықтан мұаммолар мағынада (табиий мажмұаларда) турли миқәсда ва табиий ҳамда ижтимоий-иқтисодий географик қонунияттар асосыда рўй берганлиги сабабли географик мұаммо ҳам хисобланады. Бошқача айтганда, экологик мұаммолар миқәси, ривожланиш тезлиги мағынада, кичик майдонда (нуқтали) ёки катта ареалларда (худудий, дунё миқәсіда) содир бўлишини эътиборга олиб, уни «геоэкологик мұаммо» тарзида ифодалаш мақсадда мувофиқ. Бу ҳолда экологик ҳодиса ва жараёнлар мағынада (географик худуд) да содир бўлиши хисобага олинади.

Геоэкологик мұаммоларнинг қандай қўламда вүждуга келиши ҳамда шаклланишига уларга таъсир этувчи асосий ички ва ташкии мұхит омыллари мажмусаси, геоэкологик худуднинг тадрижий үзгарувчанлиги, мураккаблик даражаси, табиат хусусиятларнинг үзаро боғлиқлиги барқарорлиги кабиллар таъсир этади. Геоэкологик мұаммолар тарқалған майдонлар миқәси, тараққиёт даражаси ва турларига қараб дунё миқәсидаги, ўлка миқәсидаги (худудий) ва маҳалий гурухларга ажralади.

Дунё миқәсидаги геоэкологик мұаммоларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- дунё «иссиқхона самараси»;
- атмосферадаги озон қатламиининг смирилиши («озон түйнүти») мұаммоси;
- дунё океанининг ифлосланиши;
- нам тропик ўрмонларнинг кесилиши;
- чўллашиб ва ҳ.к.

Дунё «иссиқхона самараси» — қўёш энергиясининг анча қисеми ер юзасига етмай тутилиб қолиниши эвазига содир бўлади. Буннинг асосий сабаблари атмосфера таркибидаги кичик газлар (углерод оксиди, метан, азот оксиди, хлор, фтор углеводородлар) аралашмаси ортиб бораётганлигидир. Натижада Ернинг ўртача ҳарорати кейинги юз йилликда 14,5°Сдан 15,2°Сга

ўзгарган. Кичик газлар, айниқса, углерод (II) оксид ва азот оксид манбаси органик ёқилиғи (күмір, нефть, газ ва бензин)лар-нинт ёқилиши хисобланади.

Атмосфера тарқибида озон жуда кам миқдорда учрасада, у маълум баландликда (15-25) ўзига хос қатлам «озон экраны»ни ҳосил қилиб тарқалган. Унинг асосий вазифаси Ердаги тиринк организмларни Күёшининг ўта заарли ультрабинафша нурларидан саклашадир. Озон қатламиниң емирувчилари – фреон (хлор, фтор, углеводород)лар хисобланаб, улар кимё ва маний соҳаларда кенг кўлланилади. Озонининг емирилиши туфайли ўзига хос «түйнук» вужудга келади. Озон қатлами емирилишининг иносон учун энг хатарли оқибатлари тери раки ва кўз катарлости касалликлари сонининг ортишидир. БМТнинг расмий маълумоти бўйича, азон қатламиниң бир фоизга камайиши дунё бўйича 100 минг тери раки ҳодисалари вужудга келишига сабаб бўлар экан.

Дунё океанининг ифлосланиши ўта ташвиши холга айланмоқда. Дунё океанига йиллига 10 млн.т нефть ва нефть маҳсулотлари кўшилмоқда. Океан сувларининг нефть билан ифлосланишида: саноат чиқинди сувлари салмоғи – 60,8%, нефтини кайта ишловчи заводларники – 1,2%, денигиздаги нефть қудуклари ва платформаларники – 2,1%, нефть ташувчи танкерларники – 11,3% ва бошқа денигиз кемалтариники – 14,4% ни ташкил этади. 1967-1993 йиллар мобайнида 40 минг тоннадан ортик нефть ташувчи 19 та денигиз танкерлари ҳалокати туфайли 2,3 млн.т нефть океанларга оқизилган. Бундан таниқари, океан сувларининг оғир металлар (5 минг т симоб, 2 млн.т кўрошин), кимёвий ва радиоактив моддалар, пестицидлар (50 минг т) билан ифлосланиши хам кучли тарзда рўй бермоқда.

Хозирда Ер юзасининг ўрмон билан копланганлик даражаси 23-30%ни ташкил этгани холда дақиқа сайин унинг 20 гектари йўқотилмоқда. Айниқса, нам тропик ўрмонларга бой бўлган Африка, Осиё ва Тинч океани минтақаси, Лотин Америкасида ўрмон деградацияси ташвиши кечмоқда. Бу албатта, биосфера учун жиддий хавф туғдиримоқда. Шунга мос тарзда сайёррамизниң чўлга айланини тезлашимоқда. Юқоридагилардан кўриниш турибдики, дунё миқёсидаги геоэкологик муаммолар умумбашарият учун тааллукли муаммо бўлиб, нафакат инсон саломатлиги учун хатарли, балки ижтимоий-иктисодий жиҳатдан хам катта зарар келтирмоқда.

Худудий геоэкологик муаммолар маълум табиий чегараларга эга бўлган иисбатан йирик худудларда табиатдан иотуғри фойдаланиши оқибатида таркиб тонади. Йирик дарё ва кўл хав-

залары ўзига хос яхлит геотизим бўлиб, ҳавзаларда ишони билан табиат ўртасида номутаносиблик кучайса, унинг оқибати бутун ҳавзада намоён бўлади. Бунга Каспий ва Орол дengизи, Балхаш, Иссык-Көл, Буюк кўллари ҳавзасидаги ҳамда Дунай, Волга, Миссисипи, Рейн каби дарёлар ҳавзасидаги экологик муаммоларни киритиш мумкин.

Худудий геоэкологик муаммолардан яна бир кенг тарқалгани «ишкорли» ёмғирлардир. Ўрта дengиз, Қора-Азов, Қызыл, Болтиқ, Шимолий ва Караб дengизлари муаммоларини ҳам худудий геоэкологик муаммолар деб билиш лозим.

Ер юзасининг деярли барча қисемларида, ўша жойларнинг ўзига хос бўлган маҳаллий геоэкологик муаммоларни учратиш мумкин. Улар ерларнинг ўзлаштирилиши, сугориш, сув омборларининг қурилиши каби инсон хўжалик фаолиятлари натижасида тарқиб тоимокда. Худудий ва маҳаллий геоэкологик муаммолар дунё миқёсида эътироф этилмасада, уларнинг олди олинмаса мураккаб тоифага ўтиши ва янги худудларни эгалашин мумкин. Ўшбу турдаги геоэкологик муаммолар ўша жойлар утун старли ижтимоний-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқармоқда.

2.2. Барқарор ривожланиш ва экологик мониторинг

БМТнинг атроф-мухит бўйича Стокгольм анижумани (1972 йил) унда қатнашувчи давлатлар эътиборини жаҳон ҳамжамияти олдиаги энг муҳим муаммолардан бирни келажакдаги янги тараққиёт йўли – барқарор ривожланиш йўлини танташга тургки бўлди.

1992 йилнинг июнида Рио-де-Жанейрода БМТнинг атроф-мухит ва ривожланишга бағишланган навбатдаги анижумани бўлиб, унда 178 давлат вакиллари катнашди. Анижуманда қашшоғлик ва қатор мамлакатлар ривожланиши даражаларининг настлиги экологик муаммолар билан боғлиқлиги қайд этилди.

Анижуманда 5 та асосий ҳужжат маъқулланди ва тасдиқланди:

1. Ривожланиш ва атроф-мухит бўйича Рио баённомаси.
2. «XXI аср учун кун тартиби».
3. Барча турдаги ўрмонларни барқарор ривожлантириш, саклаш ва бошқарини тамойиллари тўғрисидаги баёнот.
4. Иқлим ўзгаришлари бўйича конвенция.
5. Биологик хилма-хиллик бўйича конвенция.

Баённомада дунё миқёсидаги муаммоларга қўйидаги жиҳатлар қаратилди:

а) сайёранинг экологик хотиржамлигини белгиловчи биосфера ресурсларидан фойдаланиши даражаси;

б) биосфера ресурсларидан фойдаланиши ва аҳоли сонининг ўсими даражалари ўртасидаги ўзаро нисбат.

1986 йили Ҳалқаро Геосфера-биосфера дастури – МГБП даражасида барқарор ривожланиш стратегиясининг мақсади қўйидагича таърифланади: «ҳаётнинг дунё миқёсидағи ўзгарашларга мослашини усувлари ва йўлларини ишлаб чиқиш».

Хозирда барқарор ривожланишга иктисодий, ижтимоий ва экологик компонентларнинг ўзаро алоқада барқарор ривожланиши, шунингдек, турли даражалардаги ҳамкорликни таъминлаш эҳтиёжлари киради.

«XXI аср кун тартиби» Рио анжуманининг энг муҳим хужжатидир. У 100 дан ортиқ дастурдан иборат бўлиб, қашшоқлик ва очарчилликни йўқотишдан тортиб, табиатни муҳофаза қилиш муаммоларини счишда жамият ролини оширишгача бўлган дунё миқёсидағи турли-туман муаммоларни қамраган. Унда барқарор ривожланиш стратегиялари аниқ кўрсатилган. Шуларнинг учтасини таърифлаймиз:

- хўжалик юритувчи инсоннинг Ер табиий биотлари билан табиий-барқарорликдаги ўзаро таъсир стратегияси;

- инсоннинг озука эҳтиёжларини таъминловчи антропоген экотизимлар билан сунъий барқарорликдаги ўзаро таъсир стратегияси.

- инсон (ишлаб чиқариш)нинг сунъий муҳит экотизимлари билан ўзаро таъсир стратегияси.

ЮНЕПнинг 1991 йилги ҳисоботида («Атроф-муҳит ҳолатининг глобал маълумотномаси») атроф-муҳит муаммоларини счишда муҳим силжиш бўлганлиги қайд этилади. Хусусан, хўжалик фаолиятида экологик таъсир амалийта татбиқ этила бошланди, қатор давлатларда атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси пасайди, деградация суръати ескинлашди ва табиий ресурслардан фойдаланиши жадаллашуви камайди. Бироқ, атроф-муҳитнинг дунё миқёсидағи деградацияси давом этмоқда, хануз зарарли миқдори ортиб бормоқда.

БМТ Бош ассамблеяси сессияси (Нью-Йорк, 1997 йил)да таъкидланганидек, барқарор ривожланишни таъминловчи бош масалалар счими XX асрда поёнига стмай қолди, улар қўйидагилар:

- очлик ва қашшоқликни бартараф этишининг амалий тадбирларини рӯёбга чиқариш;

- ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда хаёт даражасын ўртасидаги тафовутни камайтириш;
- дунё миқёсіда атроф-мухитта антропоген таъсирин камайтириш учун чора ва йўллар топиш.

БМТнинг барқарор ривожланиши комиссияси ишида (1997 йил) қўйидаги долзарб муаммолар ажратилди: чучук сув, энергетика, транспорт ва атроф-мухит, ўрмон, Дунё океани муаммолари. Бош мажмали вазифалар сифатида қўйидагилар белгиланди: кашшоқликини йўқотиши, ишлаб чиқариши ва истеъмолдаги мавжуд тузилмаларни ўзгартириши.

1985 йилда Вена шаҳрида «Озон қатламини муҳофаза килиши тўғрисида конвенция» қабул қилинди. 1987 йили Монреалда 24 мамлакат вакиллари иштирокида «Озонни смирувчи чиқинди моддаларни камайтириш тўғрисидаги қайднома», 1989 йили «Озон қатламини муҳофаза килиши Хельсинки декларацияси» имзоланди, 1977 йилда Найроби шаҳрида «Чўллашишга карши харакат режаси» ишлаб чиқилди. 1981 йилда Тошкентда шу режага мувофиқ Халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

1992 йилда Рио-де-Жанейрода БМТнинг атроф-мухит ва ривожланишга бағищланган анжуманида инсоний олдида турган экологик муаммоларниң ечими барқарор ривожланиши гарови эканлиги қайид этилди. Жумладан, барқарор ривожланиш стратегияси матнида: «Экологик мониторингнинг умумий тизимини сақлаш лозим», деган жумла учрайди.

XX аср охиридаги мураккаб вазиятлар таҳлили дунёнинг турли ҳудудларида экологик муаммолар ўзига хос тарзда кечаштанилигини кўрсатмоқда (З-жадвал).

Ер шарида организмларининг 1,4 млн.дан ортиқ аниқданган турлари мавжуд бўлиб, шуларнинг 750 минги ҳашаротлар, 41 минги умурткали хайвонлар, 250 минг тури ўсимликларга тўғри келади. 1990-2020 йиллар мобайнида 5-15% турлар ўйнубўлиши тўғрисида ташвишли башоратлар мавжуд. Бу, йилига 15-50 минг, қунига 40-140 турларнинг йўқолиши, демакdir.

Демак, юқоридағи тадбирлар, жадвал маъдумотлари ва ўзига хос башоратлар атроф-мухит ҳолатини мунтазам кузатиши, назорат қилиб боришини тақозо этади. Бошқача қилиб айтганда, Ер юзасининг деярли барча ҳудудларида экологик мониторингнинг ташкил этилиши максадга мувофиқ. Чунки экологик мониторинг маъдумотлари таҳдилига таянган ҳолда экологик муаммоларни бартараф этиши тадбирлари ишлаб чиқилади ва амалиётта татбиқ этилади.

Дүнйанинг турли худудларда тегиншили мухим экологик мұаммолар

Экологик омыллар	Дүнек худудлары						
	Африка	Осиё ва Тинч океани	Европа	Лотин Америкасы	Шимо- жапония Америка	Еарбий Осиё	Күтбій худуд дарлар
Ерлар деградациясы	1;5	1;5	2;6	1;5	2;7	1;5	3;6
Үрмөллар кесилиншілік және деградациясы	1;5	1;5	2;6	1;5	3;6	3;5	4;8
Био хилма-хисекіншілік және тизимлариншілік	2;5	1;5	1;5	2;5	2;6	2;5	2;6
Чұчук сув (иғлоеслариншілік)	1;5	1;5	1;6	2;5	1;6	1;5	3;6
Денгиз ва союза мінтақасының деградациясы	2;6	1;5	1;5	2;5	2;6	1;5	3;6
Атмосфераның иғлоеслариншілік	2;6	1;5	1;6	1;5	1;6	2;6	4;6
Шахар ва саноат мінтақалары (иғлоеслариншілік, чыныңдар)	2;6	1;5	1;6	1;5	1;6	1;5	2;8

Мұаммолар: 1-кеекин; 2-мұхим; 3-кам аҳамиятты; 4-мұхим эмас; Месъёрлар: 5-күчайтирувчы; 6-ниебатан барқарор; 7-күчесизланувчы; 8-номаңызум.

2.3. Экологик мониторингнинг халқаро жиһатлари

Сиёсат сиёсат билан, шектесед шектесед билан, бироқ табиат қутиб үтирмайды. Бу ерда дүнек миқёсіда хамда Ер юзасининг үйрек худудларда умумий экологик дастурлар ишлаб чықып, маңыздылықтарарда көлинишүвларни қабул қылыш түрлерінде гап кетмоқда. Чүнки ҳозырда маңылым хамкорлықдаги экологик дастурлар сез Болтік, Корға ва Қасиий денгизләри, Орол ва Ханқа күлләри мұаммоларини сыйб бўлмайды.

Экологик мониторингдаги халқаро ҳамкорлыкнинг асосий ішүналишін ва мақсади қўйидагилар:

1. Саїйёрамизининг экологик мутаносиблигини сақлаш туришга қодир бўлган ва хўжалик фаолияти таъсирида деярли ўзгармаган табиий гео-тизимларни сақлаш.

2. Табиий ресурслардан, шу жумладан табиий мұхит салохијитидан оқилона фойдаланышини ўзлаштириши.

3. Экологик жавобгарларларнинг самараали халқаро тизими ни яратиш.

Халқаро ҳамкорлик қўйиндаги шаклларда амалга оширилиши мүмкін:

- парламентлараро ҳамкорлик;
- алохидавлатлар ижро этувчи тузилмаларининг ўзаро алоқадорлиги;
- ҳамкорликнинг шартнома тури;
- илмий-техника ҳамкорлик.

МДҲга аъзо давлатлар ўртасида 1992 йилдан «Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасида ўзаро алоқалар тўғрисидаги шартнома» доирасида муваффакиятли ҳамкорлик амалга оширилмоқда.

Табиий муҳитни муҳофиза қилиш ва Давлатлараро экологик кенгаш (МЭС) бўйича МДҲда Парламентлараро Ассамблея ташкил этилган.


1992 йили (29 декабрь) Санкт-Петербургда Парламентлараро Ассамблея қарори билан тавсияномавий қонунчилик баённомаси қабул қилинган. «Ҳамкорлик давлатларида экологик хавфсизлик тамойиллари тўғрисида»ти ҳужжатда «шахс, жамият ва давлатнинг атроф-мухитга антропоген таъсир оқибатларидан, шунингдек табиий оғат ва ҳалокатлардан химояланиши ҳолати» экологик хавфсизлик деб белгиланган. Экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича МДҲ давлатлари қатор ўналишларда ўзаро ҳамкорликни амалга оширмоқдалар.

Экологик мониторинг бўйича ҳалқаро ҳамкорлик қатор ҳалқаро ташкилотлар, хусусан, БМТнинг атроф-мухит бўйича дастури (ЮНЕП), ЮНЕСКО-БМТнинг фан, таълим, маориф, ва санъат масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти, Ҳалқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи (МСОП), Бутунжаҳон ёввойи ҳайвонлар фонди (ВФДП), Мониторинг бўйича бутун жаҳон маркази (ВЦМ), Бутунжаҳон соғлиқни саклаш ташкилоти (ВОЗ) ҳамда энг асосийларидан: Атроф-мухит мониторингининг глобал тизими (ГСМОС) ва Бутунжаҳон метеорология ташкилоти (ВМО) фаолияти доирасида амалга оширилади.

ЮНЕП – экологик инқизорзининг энг ўткир муаммолари (чўллашиш, тупроқ деградацияси, ўрмонларнинг кесилиши, чучук сув захирасининг камайиши, оксаннинг ифлосланиши, биологик ранг-барангликнинг йўқолиши) билан шуғулланади. ЮНЕПнинг бошламаларидан бири – биосферанинг ҳолати ва уйдаги ўзгаришлар устидан Бутунжаҳон кузатиш тизимини яратилганлигидир (5-чизма).

Атроф-мухит мониторингининг глобал тизими (ГСМОС-)нинг асосий мақсади атроф-мухитнинг ҳозирги ҳолати, ифлосланиши даражаси, ифлосланувчи моддаларнинг ер шари бўйлаб тарқалиш йўллари ва тезлиги ҳамда муҳит сифатининг ўзгариш йўналишлари тўғрисида ахборотлар тўплашдир (4-жад-

вал). Бунда ахборотлар атроф-муҳитни оптимал бошқариш ва биосферани сақлаш соҳасида давлатлараро даражада қарорлар кабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қиласи.



5-чизма. ЮНЕП асosий амалий вазифалариниң алокадорлығы

Махсус шохобчаларда ифлословчи моддалар микдорини кузатиш дастури (ГСМОС муаммолари бўйича кенгаш томонидан тасдиқланган)

Мухит	Ифлословчи моддалар ва кўрсаткичлар	Кузатишнинг тақоррзанини
Атмосфера (ер юзасидан 2м баландликдан бошлаб)	Ҳар хил зарралар, атмосферанинг аэрозол хиразлиги, углерод (II) оксиди, азот оксиди, углеводородлар, олтингурут (II) оксиди, сульфатлар, 3-4 бен(а)пирен,	Ҳар суткада
Атмосфера ёғинлари, кор қоплами	Қўргонин, симоб, кадмий, мишияк, 3-4 бен(а)пирен, ДЦТ ва б., хлорорганик бирикмалар, рН, анионлар ва катионлар ВМО дастури бўйича	Ёғинлар: декада, ойда интеграл намуна. Куруқ ёғинлар: ойда интеграл намуна. Кор қоплами: бутун кор қоплами чукурлиги бўйича интеграл намуна
Ер усти ва ер ости сувлари, сув ости ётқизиклари	Қўргонин, симоб, метил симоб, кадмий, мишияк, 3-4 бен(а)пирен, ДЦТ ва б., хлорорганик бирикмалар ва биоген элементлар	Йилда бир марта
Биологик обьектлар	Қўргонин, симоб, метил симоб, кадмий, мишияк, 3-4 бен(а)пирен, ДЦТ ва б., хлорорганик бирикмалар ва биоген элементлар	Тақоррзанини биологик обьектга боғлиқ тарзда

1974 йилги Найроби анжумани ГСМОС олдига сттита мухим вазифани қўяди:

- инсон саломатлигига таҳлика соловчи огоҳлантирувчи кенг камровли тизимларни ташкил этиш;
- атмосферанинг глобал ифлосланишининг иқлимга таъсирини баҳолаш;
- биологик тизимлардаги, айниқса озуқа занжиридаги зарарли моддаларни тарқалиши ва микдорини баҳолаш;
- қишилочк хўжалик фаолияти ва ерлардан фойдаланиши натижасида вужудга келган кескин муаммоларни баҳолаш;
- қуруқлик экотизимларидағи реакцияларнинг атроф-мухитга таъсирини баҳолаш;
- океан ифлосланиши ва ифлосланишининг дengiz экотизимларига таъсирини баҳолаш;
- ҳалқаро миқёсда стихияли фалокатлар тўғрисида огоҳлантирувчи, такомиллаштирилган тизимларни яратиш.

ВМО – ҳалқаро миқёсда кузатишни ташкил қилинча катта тажрибага эга ташкилот. Бутунжаҳон об-ҳаво хизмати барча материклар ва океан кемаларидағи метеорологик тармоқлар маълумо-

тига таянади. Ҳозирда дунё метеорология тизимида сунъий йўлдошлар, метеорологик ракеталар, самолётлардаги мунгазам кузатишлар муҳимдир. Атмосферанинг кимёвий тарқиби устидан кузатиш тизими бирламчи аҳамиятта эга. Шунингдек, атмосферанинг оптик кўрсаткичлари ва ёгинларнинг кимёвий тарқиби – ишқорланиши кабиларни ўтчашиб ҳам ВМО қарамоғидаги тармоқ тузилмаси зиммасидаидир. ВМО доирасида 50га яқин мамлакатларда 100дан ортик кузатиш шоҳобчалари мавжуд. Кузатишлар деярли барча: сув (денгиз ва чучук сувли) ва қуруқлислаги (ўрмон, дашт, чўл, тоғ) экотизимларни қамраб олган бўлиб, ЮНЕП тасарруфида иш юритади ва уни ЮНЕСКО мувофиқлаштириб боради.

Мажмуали экологик мониторинг дастури бўйича йирик худудлардаги (Европа, Шимолий Америка ва бошқалар) вазијатлар билан бирга биосферадаги энг секин рўй берастган, аммо асорати хавфли бўлган жараёнлар ҳам кузатиб борилади. Уларнинг аксарияти биосфера қўриқхоналарида амалга оширилади.

ВОЗга аъзо мамлакатлар атроф-муҳит омилларининг инсон саломатлигига таъсири доирасидаги дастур лойиҳалари ни амалда татбиқ этмоқда. Унинг дастур лойиҳалари қўйидаги ларни ўз ичига олади:

- ташки мухит омилларининг инсон саломатлигига таъсирини баҳолаш усусларини ишлаб чиқиши;
- соғлиқни сақлаши нуқтаи назаридан технологик ривожланишини баҳолаш;
- минтақавий ва миллтий лойиҳаларга техник ва илмий ёрдам кўрсатиш;
- ҳаво сифати;
- қуруқлик сувлари ва денгизлар ифлосланишини назорат қилиш ва баҳолаш;
- муҳит ифлосланиши ва хавфли кимёвий бирикмаларнинг тарқалиш муаммолари;
- ерларнинг деградацияси ва тупроқларнинг зарарли чиқиндилар билан ифлосланиши билан боғлиқ соғлиқни сақлаш жиҳатлари;
- радиацион гигисна;
- шаҳар шовкини.

Ерни ягона табиий тизим сифатида ўрганишда Халқаро геосфера-биосфера дастури (МГБД)нинг аҳамияти катта (1986 йилдан фаолият кўрсатади). Асосий лойиҳа иқлим ўзгаришларини ўрганишга қаратилган.

МГБД қўйидаги сттита йўналишида иш олиб боради:

1. Глобал атмосферадаги кимёвий жараёнлар қонунияти ва кичик газлар айланма ҳаракатида биологик жараёнларнинг роли.

2. Океанлардаги биокимёвий жараёнларнинг иқлимга таъсири ва унинг қайта таъсири.

3. Қырғоқбўйи экотизимларни ўрганиши ва ердан фойдаланишдаги ўзгаришларнинг таъсири.


4. Сувнинг глобал айланма харакатининг шаклланишинидағи масъул бўлган ўсимлик конгламирининг табиий жараёнлар билан ўзаро таъсири.

5. Глобал ўзгаришларнинг қуруқлик экотизимларига таъсири.

6. Полеоэкология ва полеоприм ўзгаришлари ва уларнинг оқибатлари.

7. Ер тизимларини унинг эволюциясини башоратлаш максадида моделластириши.

«Инсон ва биосфера» (МАБ) дастурининг асосий фаолияти(6-чизма): бош муаммолар йўналиши бўйича лойиҳаларни тайёрлаш ва бажариш (био хилма-хиллик ва экотизимлар ҳолати мониторинги ва бу ҳолатни сақлаш; табиий ресурсларни баркарор бошқариш, срларни ўзлаштиришида ижтимоий-маданий ва миллӣ ёндашувларни ўйғулаштириш, ердан фойдаланиш спесатини шакллантириш); биосфера кўрикхоналарини ташкил этиш ва бониқариши, мавзули ва географик илмий тармоқларни шакллантириш; китоб, ҳисобот ва турли ахборотлар тайёрлаш ҳамда нацир этиши.



6-чизма. ЮНЕСКОнинг «Инсон ва биосфера» (МАБ) дастурлари тузилемаси

МАБининг Ўзбекистонда ҳам кўмитаси мавжуд бўлиб, у ўзининг маҳсус илмий-тадқиқот дастурига эга.

